

26.05.2022 даги

МЧЖ "Дил-Музафар сервис" ва Мирзачул тумани ХТБ ўртасида 299683138,00 сўм умумий суммага тузилган 22D/22 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 075  
Шахсий газна ҳисобварақ 401722860082237092100075009

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
				Жами
	4232200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май	299 683 138,00			299 683 138,00
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>299 683 138,00</b>			<b>299 683 138,00</b>

Жами 299683138,00 сўм

Икки юз тўқсон тўққиз миллион олти юз  
саксон уч минг бир юз ўттиз саккиз сўм  
00 тийин  
сумма сўл билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 89904941,40 сўм ёки 30,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
% \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлимасига икки  
нусxada тақлим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан  
тўланиши лозим (ушбу сизр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал  
хизматлар кўрсатиши, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар  
(ишлар, лизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолатларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери



Анорбоев Ғайрат  
Исломиддинович

(имзо)

Ф.И.Ш.

Гулмурадов О

(имзо)

Ф.И.Ш.



# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРИНИ БАЖАРИШГА)

## ОИД ШАРТНОМА №22D/22

Лот № 85433

Гагарин шаҳар

«26» «май» 2022 йил

**DIL-MUZAFFAR SERVIS MCHJ** (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбар **Абдукодилов Г.Ш** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва **Мирзачўл тумани Халқ таълими бўлими** (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари **Г.Анорбоев** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га **Мирзачўл тумани Халқ таълими бўлимига қарашли (15-сон УЎТ) мактаб том қисмини жорий таъмирлаш** (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг соми, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

#### 2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, газначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг \_\_\_\_\_ кун мобайнида ҳақ тўлаш.

#### 2.3. «Бажарувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

#### 2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Газначилик бўлиmidан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.1-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни \_\_ кун муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли фармонида асосан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган



товар (бажариладиган ишлар, курсатиладиган хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўламасалар, махсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши таъинланган.

### 3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **299 683 138 (Икки юз туксон туккиз миллион олти юз саксон уч минг бир юз уттиз саккиз)** сўми ҚҚС билан ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи миқдорида 2022 й *Май* ойида олдиндан ҳақ тўлайди ва кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи миқдорида тўловни амалга оширади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### 4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади. Смета лойиҳа ҳужжатларида курсатилган ишларни бажариш муддати 30 кун.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртмачи"нинг Ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик бўлинималарининг штампиди кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

### Коррупцияга қарши курашиш шартлари

Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

Агар шартнома бўйича бир тараф Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: "1008" ишонч телефони, телеграм-канали ("@anticorbot"), Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.



5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" кийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунида пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

#### 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «26» майдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### 8 ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, *Мирзачўл* тумани бўйича Ғазначилик бўлимиасидан белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга киради.

#### 9. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳаққий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар руйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

#### X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### Бажарувчи

**DIL-MUZAFFAR SERVIS MCHJ**

(ижроочилик шакли)

Манзили: Тошкент ш

тел/факс

х/р\_ 20208000600646777001

Банк номи: Ҳамкорбанк Чилонзор фили

МФО\_ 01108\_ ИНН\_ 304171924

ОКОНХ\_ 41201

Раҳбар: Абдуқодиров Ф.Ш

DIL-MUZAFFAR SERVIS MCHJ

SEKRETAR

(имзо)

М.У.

##### «Буюртмачи»

**Мирзачўл тумани Халқ таълими бўлими**

(бюджет маблағларини олувчи шакли)

манзили: Гагарин шаҳар

тел/факс:

ш/хв 401722860082237092100075009

Банк номи: Марказий банк ББ ХККМ

МФО: 00014 ИНН: 200339189

ОКОНХ:

Раҳбар: Ғ.Анорбоев

( Ф.И.Ш.)



М.У.



## **Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarning qonun hujjatlariga muvofiqligi to'g'risida huquqiy xulosa**

CI85872662

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Xizmat ko'rsatish shartnomasi. Mirzacho'l tuman Xalq ta'limi bo'limiga qarashli 15-umumtalim maktabining tom qismini ta'mirlash ishlarini amalga oshirish to'g'risida.

Buyurtmachi – Mirzacho'l tuman Xalq ta'limi bo'limi

Xizmat ko'rsatuvchi – “Dil-Muzaffar servis” MChJ

Qo'shimcha kelishuv summasi – 299 683 138 (ikki yuz to'qson to'qqiz million olti yuz sakson uch olti ming bir yuz o'ttiz sakkiz) so'm

Qo'shimcha kelishuv sanasi – 26.05.2022 yil

Qo'shimcha kelishuv raqami – 22D/22

3. Loyiha ishlab chiqaruvchi va kiritilgan sana haqida ma'lumot.

Mirzacho'l tumani Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va Mirzacho'l tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 26.05.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Markaz Bosh yuriskonsulti



N.Mamadaliyev

2022 yil «26» may



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"DIL-MUZAFFAR SERVIS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"DIL-MUZAFFAR SERVIS" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

21.07.2016

008105-01

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

304171924

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

**Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

Joylashgan joyi:

**Toshkent shahri, Yashnobod tumani, Alimkent 1-tor, 39-uy, 21**

Guvohnoma:

**Toshkent shahri, Yashnobod tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI**

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



Мирзачўл тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 15-сон УЎТ мактаби том қисмини жорий таъмирлаш ишлари учун танлов ўтказиш ҳайъатининг

### ТАНЛОВ БАЁНИ № 3

26.05.2022 йил

Мирзачўл тумани

Мирзачўл туман Халқ таълими бўлимининг 2022 йил 26-майдаги № 3-сонли буйруғи билан тасдиқланган танлов ҳайъати аъзолари қуйидаги тартибда катнашдилар.

- |               |  |
|---------------|--|
| З.Садриддинов | - Мудир ўринбосари                                 |
| С.Ташбоев     | - Товар-моддий қийматликлар ҳисоби бўйича ҳисобчи. |
| О.Гулмурадов  | - Бош ҳисобчи                                      |
| А.Ҳамдамов    | -Шўъба мудир                                       |
| О.Тоғаев      | -Махсус таъмирлаш-эксплуатация мутахассиси         |
| Р.Туймuroдов  | - Хужалик мудир                                    |

Мирзачўл тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 15-сон УЎТ мактаби том қисмини жорий таъмирлаш учун таклифни билдирган қурилиш фирмалари

ООО «DIL-MUZAFFAR»  
«EXCELLENT COSTRUCTION» МЧЖ  
ELEKTR MONTAJ PORLOQ MCHJ

Ушбу фирмаларда тижорат таклифлари

Маҳсулот ва хизмат турлари	ООО «DIL-MUZAFFAR»	«EXCELLENT COSTRUCTION» МЧЖ	ELEKTR MONTAJ PORLOQ MCHJ
Халқ таълими бўлимига қарашли 15-сон УЎТ мактаби том қисмини жорий таъмирлаш	299 683 138	299 901 696	295 000 000
ЖАМИ	299 683 138	299 901 696	295 000 000



## КУН ТАРТИБИДА







Мирзачўл тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 15-сон УЎТ мактаби том қисмини жорий таъмирлаш учун танлови ўтказиш, кун тартибидаги масала бўйича хайъат раиси З.Садриддинов сўзга чиқиб танлов хайъати томонидан танловда қатнашаётган фирмаларда бажариладиган иш ва хизматлари, сифати тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб чиқилганлигини айтиб ўтди. Мирзачўл туман Халқ таълими бўлими «ООО «DIL-MUZAFFAR» МЧЖни бажариладиган иш ва хизматлар сифатлилиги тўғрисида ўз фикрини айтди. Хайъат аъзолари ҳам танловда бажариладиган ишларни ўрганиб чиқилган фирмаларларда бажариладиган иш ва хизматлар нархи, сифати бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдиришди. Танлов хайъати йиғилиш иштирокчиларининг фикр мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, белгиланган вақт муҳокамада бўлиб, танлов ғолибига ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади.

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Танловда бажариладиган иш ва хизматларни ООО «DIL-MUZAFFAR» МЧЖ билан бажариладиган иш ва хизматлар учун шартнома тузишга руҳсат берилсин.

Мирзачўл туман халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси 15-сон УЎТ мактабининг маъмурий биносини таъмирлаш ишлари учун ООО «DIL-MUZAFFAR» МЧЖ нинг ҳисоб рақамига шартнома суммасини ўтказиб берилсин.

Хайъат аъзолари:

 З. Садриддинов  
 С. Ташбоев  
 О. Гулмурадов  
 А. Хамдамов  
 О. Тогаев  
 Р. Туймурадov



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 85433 на приобретение 15-сон УЎТ мактабини том қисмини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 23.05.2022

Время рассмотрения 23.05.2022 11:54

Конкурсная комиссия Мирзачул туман Халк таълими булими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SADRIDDINOV ZAFAR FAXRIDDINOVICH	Мудир уринбосари	4
<b>Секретарь комиссии</b>	TASHBAYEV SOBIR ASADULLAYEVICH	Товар-моддий қийматликлар ҳисоби бўйича хисобчи	3
<b>Член комиссии</b>	TAGAYEV OZODJON ANARBЕК O'G'LI	Махсус таъмирлаш - эксплуатация хизматлари булимига бош мутахассис	6
<b>Член комиссии</b>	TUYMURODOV RAXMANBAY XAMRAYEVICH	Хужалик мудир	6
<b>Член комиссии</b>	XAMDAMOV AKMAL TOSHPOLATOVICH	Маънавий ахлоқий тарбия ва болаларнинг ижтимоий ҳимояси шўъбаси мудир	2
<b>Член комиссии</b>	GULMURATOV OTAYOR SAYDAXMATOVICH	Бош хисобчи	1

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.05.2022 года № лота 85433.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 36

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	15-сон УЎТ мактабини том қисмини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	300 000 000.00
Стартовая сумма	300 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Корхонанинг тулик юридик манзил банк ва солик реквизити телефон раками гувоҳнома ва солик ИНН кредиторлик карздорлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ELEKTR MONTAJ PORLOQ MCHJ	25	Маълумотнома	10	Экспертная		
OOO DIL-MUZAFFAR SERVIS	25	25	11	Экспертная		
EXCELLENT CONSTRUCTION MCHJ	25	25	8	Экспертная		

Критерий №2 Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги ва уларнинг сони тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ELEKTR MONTAJ PORLOQ MCHJ	25	Маълумотнома	10	Экспертная		
OOO DIL-MUZAFFAR SERVIS	25	25	11	Экспертная		
EXCELLENT CONSTRUCTION MCHJ	25	25	11	Экспертная		

Критерий №3 Нуксон далолатномасида курсатилган ишларни сифатли бажарилиши ҳамда маблагининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ELEKTR MONTAJ PORLOQ MCHJ	25	Гувоҳнома	10	Экспертная		
OOO DIL-MUZAFFAR SERVIS	25	25	11	Экспертная		
EXCELLENT CONSTRUCTION MCHJ	25	25	11	Экспертная		

Критерий №4 Бажариладиган ишлар муддати сифатига кафолат фаолият тугрисидаги 1-2 шакллар маълумоти хисоб ракамдаги маблагнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ELEKTR MONTAJ PORLOQ MCHJ	25	Маълумотнома	7	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО DIL-MUZAFFAR SERVIS	25	25	8	Экспертная		
EXCELLENT CONSTRUCTION MCHJ	25	25	8	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО DIL-MUZAFFAR SERVIS	300 000 000.00	299 683 138.00	22.05.2022 15:03:36	19.69
ELEKTR MONTAJ PORLOQ MCHJ	300 000 000.00	295 000 000.00	20.05.2022 16:13:21	20.00
EXCELLENT CONSTRUCTION MCHJ	300 000 000.00	299 901 696.00	22.05.2022 15:25:34	19.67

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО DIL-MUZAFFAR SERVIS	32.8	19.69	52.49
ELEKTR MONTAJ PORLOQ MCHJ	29.6	20	49.6
EXCELLENT CONSTRUCTION MCHJ	30.4	19.67	50.07

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 85433 от 23.05.2022 года на приобретение 15-сон УЎТ мактабини том қисмини жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО DIL-MUZAFFAR SERVIS  
304171924

и резервный исполнитель: EXCELLENT CONSTRUCTION MCHJ (303226499)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	GULMURATOV OTAYOR SAYDAXMATOVICH	Согласен	
Член комиссии	TUYMURODOV RAXMANBAY XAMRAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	TAGAYEV OZODJON ANARBEK O'G'LI	Согласен	
Председатель комиссии	SADRIDDINOV ZAFAR FAXRIDDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	XAMDAMOV AKMAL TOSHPO'LATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП